



ХАЁТЛИК ЧОҒЛАРИДА ЖАННАТ БАШОРАТИ БЕРИЛГАН ЎН САҲОБА

Худойибердийев Анвар Мегли угли
anvarxudoyberdiyev258@gmail.com

Узбекистон Миллий университети Тарих факултети
Тарих йуналиши 1-боскич талабаси

Анататсия: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам баъзи саҳобаи киромларга улар ҳаётлик пайтларидаёқ жаннат башоратини берганлар. Уларнинг баъзилари эркаклардан ва баъзилари аёллардан эди. Бу саодатли зотларнинг ўн нафари тарихда “Ашараи мубашишара”, яъни “башорат берилган ўнлик” номи билан машҳур бўлганлар.

Калит сузлар: Пайғамбаримиз, Ашараи мубашишара, аёллар, эркаклар, саҳобалар, жаннат, ҳазрат, сулолаларига, мусулмонлар, Ислом.

УЛАР

Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу
Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу
Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу
Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу
Талҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу
Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу
Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу
Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳу
Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоҳу анҳу
Саид ибн Зайд розияллоҳу анҳу

Мазкур зотларнинг исми шарифларини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам бир ҳадиснинг ўзида айтиб ўтганлар.

Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам дедилар: “Абу Бакр жаннатда, Умар жаннатда, Усмон жаннатда, Али жаннатда, Талҳа жаннатда, Зубайр жаннатда, Абдураҳмон ибн Авф жаннатда, Саъд жаннатда, Саъийд жаннатда, Абу Убайда ибн Жарроҳ жаннатда бўлади” (Имом Термизий ривояти).

Бу муборак зотлар Исломга садоқатлари, Аллоҳ таолога ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламга чексиз муҳаббатлари боис, шундай олий мақомларга эришдилар. Аллоҳ таоло ваҳий орқали Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламга бу зотлар ҳаётлик пайтларидаёқ жаннат хушхабарини берди. Валлоҳу ъалам

Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу

Ушбу китоб Пайғамбаримиз томонларидан жаннатийлиги муждаланган ана шу ўн нафар улуғ саҳобанинг ҳаёт йўллари ва фазилатлари ҳақида ҳикоя қиласи.



“Ашараи мубашшара” ибораси “башорат қилинган ўнлик” деган маънони билдиради. Ҳаётликларидаёқ жаннатий бўлишлари ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мужда берган ўн нафар улуғ саҳобий шу ном билан аталган. Булар – **Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдураҳмон ибн Авф, Саъид ибн Зайд, Абу Убайда ибн Жарроҳ** розияллоҳу анхумдир. Аҳли сунна вал жамоа ақидасига кўра, Ашараи мубашшарани тасдиқ этиш шарт. Ушбу китоб ана шу ўн нафар улуғ саҳобийнинг ҳаёт йўллари ва фазилатлари ҳақида сўзлайди.

Ашараи мубашшаранинг биринчиси — ҳазрат Абу Бақр Сиддик розияллоҳу анху Маккадаги Қурайш қабиласининг Тамим уруғидан эдилар. Қурайшийлар орасида обрўлари баланд, хамма у кишини севар, гапларига қулоқ солар, хукмларига бўйсунар эди. Оталари Усмон Абу Кухофа Макка фатҳи куни мусулмон бўлган, ўғилларидан бир йил кейин, ҳижрий 14 йили тўқсон етти ёшида вафот этган. Оналари Уммул Хойр лақабли аёл бўлган. Абу Бакрнинг ҳам ота, ҳам она томонидан сулолалари Муррада Пайғамбар алайҳиссалом сулолаларига бирлашади.

Ҳазрат Абу Бақр Сиддик Сарвари коинот соллаллоҳу алайҳи ва салламдан икки ёш кичик эдилар, у зотдан кейин икки йил яшадилар. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам каби олтмиш уч ёшларида, ҳижрий 13 (милодий 634) йили вафот этдилар. Насаб илмининг билимдони эдилар. Жоҳилият даврида қон даъвоси тортишувларида ҳакамлик қилганлар. Бирор марта бутга сифинмаганлар, ичқиликни оғизларига олмаганлар, бузуқ йўлга юрмаганлар.

Газлама тижорати билан шуғулланиб, жуда бойиб кетган эдилар. Исломга кирган вақтларида кирқ минг дирҳам сармоялари бўлган. Нубуватдан олдин Пайғамбар алайҳиссалом ҳам савдогар бўлганлари учун ана шу даврда икковлари дўстлашишган. Ҳазрат Абу Бақр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга энг оғир дамларида ҳамдам, мададкор, ёрдамчи, содик дўст бўлдилар. Бойликларининг катта қисмини Аллоҳ ризоси йўлида Унинг дини равнақи учун сарфладилар.

Ҳазрат Абу Бақрнинг исмлари Абдуллоҳ бўлган, бу исмни у кишига Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам бергандилар. Илк фарзандларига нисбат берилиб Абу Бақр деб атала бошладилар ва шу ном билан Ислом тарихида машҳур бўлдилар. Ислом динини ҳеч тараддудсиз қабул қилганлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг меърожларини эшитган заҳоти тасдиқлаганлари учун Сиддик унвони или шарафландилар. Қизлари ҳазрат Ойшани Сарвари коинотга никоҳлаб бериб, Набий алайҳиссаломга қариндошлиқ ришталари билан ҳам боғланган эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан сўнг Ислом бирлигининг парчаланишига йўл қўймадилар, ўзлари мусулмонларнинг ilk халифаси этиб сайландилар. Ислом давлати бухронли кунларни бошдан кечираётган бир пайтда соҳта пайғамбарларга қарши, Исломга хуружлар ва диндан чиқишиларга қарши аёвсиз кураш очдилар. Бу зотнинг даврларида Эрон, Ироқ, Сурия фатҳ этилиб, Ислом давлати чегаралари янада кенгайди. Ажнодинда рум салтанатининг юз минглик қўшини тор-мор қилинди.



Ҳазрат Абу Бакр халифаликлари даврида Қуръони карим оятларини биринчи бўлиб тўплатганлари учун “Жомиъул Қуръон” деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Абу Бакр биринчи марта қурилган давлатни исломий сиёsat билан юргиздилар, Қуръонни “Асосий қонун” ўлароқ татбиқ этдилар. Ҳамма ишда адолатни биринчи ўринга қўйдилар.

Абу Бакр Сиддиқ ҳамиша Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ёнман ён бўлдилар, ҳар ишда у зотга ёрдамга ошиқдилар. Бир туяга минганиш Мадинаға ҳижрат қилдилар. Барча ғазотларда Фахри коинот соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан қатнашдилар. Ҳатто у зот хасталикларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўринларига ўн етти вақт намозга имомлик қилганлар. Ҳазрат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг “Собиқуни Ислом” деб аталган маккалик илк саккиз мусулмоннинг биринчиси эдилар. Ҳаётлик чоғларидаёқ жаннатга киришлари ўзларига мұждаланган ўн саҳобий (Ашараи мубашшара)нинг ҳам, тўғри йўлдаги тўрт улуғ халифа (хулафои рошидин)нинг ҳам биринчиси бўлдилар. Ҳамиша Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёnlарида эдилар, у зотга вазирлик қилдилар. Жаноб Сарвари коинот соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоб билан истишора чоғида Абу Бакрни ўнг томонларига, ҳазрат Умарни чап томонларига олиб, уларнинг фикру раъйларини сўрардилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан 142 та ҳадис ривоят қилганлар.

Ҳазрат Абу Бакр розияллоҳу анҳу Қуръон ошиғи эдилар. Хуш овозда Қуръон тиловат қилар эканлар, ўзлари тинмай йиғлардилар. Асҳобнинг энг билимдони, ҳалоли, ишончлиси, оқкўнгил эдилар. Намозни ниҳоятда хушу ва хузу билан ўқирдилар. Бошқаларга ёрдам беришдан завқланардилар. Исломнинг илк кунида етти қулни, жумладан, Билол Ҳабашийни сотиб олиб, озод қилганлари тарихда ёзилган. Ниҳоятда оддий ҳаёт кечирганлар. Халифаликлари чоғида Байтул молдан (давлат хазинасидан) ўзларига ажратилган икки дирҳам микдоридаги маош билан кун кечирганлар. Вафот этганларида уйларидан ҳам, ёnlаридан ҳам пул чиқмаган. Биринчи ҳикоямиз ана шу улуғ зот, саҳобийларнинг саййиди, Исломнинг биринчи халифаси Абу Бакр Сиддиқ ҳақларидадир. Аллоҳ у зотдан рози бўлсин!

Умар ибни Ҳаттоб қорувли, узун бўйли, қуюқ-соқол мўйловли, бошларининг олд томони сочсиз, икки қўллари билан тенг ҳаракат қила оладиган, улкан одимлар ташлаб, бироз шошилиброқ юрадиган киши эдилар. Ўзлари Курайш қабиласидан бўлиб, оталарининг номлари Ҳаттоб ўғли, Нуфайл ўғли, Абдул Уззо ўғли, Риёҳ ўғли, Курт ўғли, Разоқ ўғли, Адий ўғли Каъбдур. Номлари Умар, кунниялари Абу Хафс, лақаблари эса Форуқдир. Ҳақ бирла ботилни ўртасини тўғри ажратганликлари учун Расулуллоҳ ҳазратлари томонларидан ушбу Форуқ, яъни ажратувчи де-ган лақаб билан лақаблангандилар. Оналари Хантама номли аёл бўлиб, Курайшнинг бани маҳсум наслиданурлар. Умар розияллоҳу анҳу фил йилидан уч йил кейин түғилган бўлиб, Расулуллоҳ пайғамбарликка мушарраф бўлган вақтларида 27 ёшлар чамасида эдилар.

Умар ибни Ҳаттоб жоҳилияят замонида шариф ва саййид кишилардан бўлиб, Курайшнинг элчилик хизматини бажаардилар. Ёшлиқ паллаларидан тортиб то



халифа бўлгунларига қадар савдогарлик билан шуғуллангандилар. Ўзларининг айтарлик катта бойликлари йўқ эди. Ёшлик вақтларида оталарининг қўйларини боқиб юрадилар. Халифа бўлиб, амалга минган вақтларида мана шў ёшлик айёмларида қўй боқиб юрган ерларидан ўтиб қолсалар ҳар доим «Мана шу ерларда Ҳаттобнинг қўйларини ўтлатиб подачилик қиласардим. Отам муомаласии қаттиқ киши эдилар. Баъзан қўй боқиб, баъзан эса ўтин териб кунни ўтказардим. Ҳозир эса халқни кутишга бошладим. Эндиликда мендан устун Раббил оламиндан бошқа кимса йўқ» — дер эканлар.

Улар жоҳилиятда Абу Жаҳл каби халқ ичида нуфузга эга кимса бўлгандилар. Фоят қаттиқ қўлликлари билан омма ўртасида шухрат топгандилар. Мусулмон бўлмасликларидан бурун аҳли Ислом Умардан жуда қаттиқ изолар чеккандилар. Шу сабабдан Расулуллоҳ Абу Жаҳл ёҳуд Умарни Исломиятга кирувларини орзу этардилар. Шундай бўлганда аҳли Исломга мушриклар изолари билан пасаяр, деган умидда бўлардилар. Умар Исломга кирмасларидан аввал аҳли Ислом ўзларининг озчиликлари ҳамда қурайшларнинг жафоларидан эҳтиёт чораси сифатида ибодатларни яширин тарзда адо этардилар. Кўпроқ улар Аркам ибни Абу Ақрам ҳовлиларига яширинча йиғилиб ибодатларини ўташар ва ҳамда Расулуллоҳдан дин таълимларини ўрганишарди.

ИСЛОМГА КИРИШЛАРИ ВА РАСУЛУЛЛОҲ БИЛАН СУҲБАТЛАРИ

Пайгамбарлик келганига олти йиллар бўлган чамасида Умар ибни Ҳаттоб бир куни Макка кўчаларидан бирида айланиб юргандилар. Бир киши келиб: «Эй, Умар, сенга нима бўлди, «Мен — у, мен — бу!» деб мақтанасану ҳолбуки, Ислом ўз хонадонингга ҳам йўл солибди-ку?!» — деди. Умар бунга ғоятда ажабланиб, «Қандай қилиб кирибди, айт», дедилар.

«Куёвинг билан синглинг аллақачон диндан қайтиб, Муҳаммадга эргашиб кетдилар» — деди ҳалиги одам. Бунга Умарнинг хушлари бошларидан учиб, куёвларининг уйига шошиб йўл солдилар. Кела солиб эшикни қоқдилар. Ҳовлида асҳобдан икки киши бўлиб, бир неча одам қоғозга ёзилган Қуръон оятларини ўқиб, ўрганмоқда эдилар. Улар Умарнинг овозларини эшитгач, ҳар бирлари ҳар томонга яширинишга шошилиб, қоғозни ерга тушириб қолдирдилар. Умарнинг сингиллари эшикни очгач, шу заҳотиёқ, «Сен бадбаҳт диндан қайтдингми?!» деб юзларига қўлларидаги нарса билан уриб жароҳатладилар. «Ҳа, мен мусулмон бўлдим, қўлингиздан келганини қилинг!» деб сингиллари ҳам бўш келмадилар. Ушбу гапдан Умар дарғазаб бўлиб, бўғилишларига сал қолди. Ердаги қоғозни кўриб: «Нима у, олиб кел менга», дедилар. Сингиллари аввал қоғозни бермасликка тиришсаларда, охири мажбуран олиб бердилар.

Умар «Бисмиллоҳир роҳманир роҳим» деган ёзувга кўзлари тушиши билан қоғозни четта отиб юбордилар. Бироздан кейин жаҳллари сал босилиб, қоғозни қайтадан қўлларига олиб ўқишига тутиндилар. Қоғоздаги «Тоҳо» сураси эди. Ёзувда Оллоҳнинг исми зикр этилган сайин Умарнинг аччиқлари босилиб, қўрқувлари орта борди. Шу тариқа суранинг охиригача ўқиб чиқдилар ва ўша заҳотиёқ бутунлай



бошқа Умарга айланиб қолдилар. Бирданига шаҳодат келтириб, динни қабул этиб юбордилар. Кишилар шодликдан на қиласларини ҳам билмай қолдилар. Такбирлар айтиб, қувончларини намоён этдилар. «Душанба куни Расулуллоҳ раббилиаридан Абу Жаҳл ёхуд Умар бирла Исломни мададлантирувларини сўраб дуо қилгандилар. Оллоҳга ҳамдлар бўлсинки, ушбу шарафга сиз ноил бўлдингиз», деб Умарни муборакбод этдилар. Умар улардан Расулуллоҳнинг қаердаликларини билдиларда, тўғри Аркамнинг ҳовлиларига келиб эшикни қоқдилар. У ердагилар Умар келганликларини билиб нима қиласларини билмай шошиб қолдилар. Ёлғиз Расулуллоҳгина ҳеч қандай эътиrozга ўрин қолдирмайдиган даражадаги хотиржамлика эшикни очишга буюрдилар.

Умар эшиқдан кирганларида Расулуллоҳга суиқасд ниятида келган бўлмасин, дея икки киши қўлларидан ушламоқчи бўлишди. Бироқ Расулуллоҳ тегманглар, дея ишорат этдилар. Умар жаноб Расулуллоҳнинг олдиларига яқинлашганларида, Расулуллоҳ Умарнинг кўйлакларидан тортиб: «Эй Ҳаттоб ўғли, Исломга келсанг бўлмайдими?» дедилар. Бунга жавобан Умар ҳеч кутилмаганда, Ашҳаду анло илоҳа иллаллоҳу ва аннака расулуллоҳу — дея шаҳодат калимасини айтиб юбордилар. Кишилар шодликдан ҳамма ёқни такбир садосида тўлдириб юборишади. Умар мусулмонликларини яширгилари келмади. Бу ердан тўғри чиқиб Абу Жаҳлнинг олдига бориб, мусулмон бўлганликларини айтадилар. Абу Жаҳл уйига киритмайди. Кейин Каъбага бориб жам бўлиб ўлтирган қурайш мушрикларига Исломиятга келганликларини сўзлайдилар. Улар бундан ғоят ғазабланиб Умарни таъна ва дашномлар ила сўка бошлайдилар. Жанжал қўтарилиб аҳвол ёмонлашувини сезган Умарнинг она томонларидан қариндошлари бўлган Ос ибни Воил номли киши ажратиб олади.

Умар ибни Ҳаттоб розияллоҳу анху Исломга келган вақтлари пайғамбарликнинг 6-йилида бўлиб, бу даврда 39 эркак ва 23 аёл кишигини динни қабул қилгандилар. Умар ўzlари ибодатни мушриклардан яшириб қилишга рози бўлмаганларидек, ўзга мусулмонларни ҳам яширин тарзда ибодат этишларига рози бўлмадилар. Очиқ, эркин суратда ибодат қилишликка тарғиб этдилар.

Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳам асхобни ўз динларини халқ орасида ошкора этишга кўрсатма бердилар. Шундан сўнг асхоблар Умар ва Ҳамза каби жасур кишилар паноҳи остида Каъбага бориб очиқ ибодат этдилар. Мушриклар аҳли Исломнинг қилган ишларидан ўлар даражада бўғисаларда, бироқ уларга қаршилик этишга журъат қиломадилар. Ҳазрати Умар Исломга келганларидан сўнг бутун куч-ғайратларини Ислом ва Расулуллоҳ ҳимоятларида сарф этдилар. Аввалда Исломга қанчалик қарши бўлсалар, динга мушарраф бўлганларидан кейин эса мушрикларга бундан кўра бир неча даража ортиқ қарши бўлдилар. Хижратда кўрсатган атворларида буни очиқ кўрсатса керак, жами асхоб беркиниб қочиб хижрат этганлари ҳолда, ҳазрати Умар очиқдан-очиқ яширинмай хижрат этишга қарор қилдилар.

Зеро, «Ҳақ ҳамиша ғолиб келади: уни яшириш керак эмас», деган эътиқодда эдилар. Шу сабабдан хижрат этмоққа қарор қилгандаридан сўнг қиличларини тақиб,



камонларини белгә осиб бир неча дона ўқларини ўқдонга жойлаб таёқларига таяниб Каъбага кирдилар. У ерда қурайш мушриклари мажлис тузиб ўлтиргандилар. Ҳеч қайсисига илтифот этмайнча тўғри бориб Каъбани етти бор тавоф қилдилар. Ундан кейин bemalol намозни ўқидилар. Кейин мажлисдагилар олдига бир-бир қадам босиб бориб ўзларини Мадинага хижрат этмоқ эканликларини айтдилар. Ҳамда кимда-ким онасини боласиз, боласини етим, хотинини тул қолдирмоқчи бўлса, менга фалон ерда учрашсун дедилар. Лекин ортларидан бирон-бир таъқиб этувчи бўлмади. Йигирма чоқли киши ўша қуни Умар розияллоҳу анҳу билан баробар Мадинага жўнаб кетгандилар.

Ҳазрати Умар хижратдан аввал Расулуллоҳ ва Ислом ҳимоятида қанчалик жонбозлик кўрсатган бўлсалар, хижратдан кейин ҳам шундай қилдилар. Расулуллоҳга ҳеч бир кимсадан зулм ва изо етишини асло хоҳламасдилар. Мунофиқ ва мушрикларнинг харакатларини доимо зийраклик билан кузатиб турадилар. Расулуллоҳга бирон бир кимсадан изо етганини ёки суиқасд тайёрланаётганини билсалар дарҳол олдиларига келиб ҳалиги кишига адаб беришиликка, аксарият эса ўлдиришиликка рухсат сўйардилар. Ишни кўпинча қилич билан ҳал қилишга киришардилар. Расулуллоҳга қарши нутқлар сўзлаган машҳур араб нотиқи Сухайл ибни Амр Бадрда асир тушганида ҳазрати Умар Расулуллоҳнинг олдиларига келиб уни ўлдириб юборишиликка рухсат сўрайдилар. Ҳазрати Умар «Ё Расулуллоҳ, менга рухсат этинг, бунинг тишиларини синдириб, тилларини сугуриб олай. Токи иккинчи бор сизга қарши гап қилолмай қолсин», дегавдйлар. Бадр жангида асир тушган мушрикларни ўлдириб юборишишга маслаҳат берган ҳам Умар эдилар. Мушрикларни нақадар ёмон кўрганликларидан, Исломга не даражада муҳаббатлари бўлганлигидан шундай маслаҳат бергандилар. Умар ибни Ваҳоб деган кимса Бадр фожиасидан кейин Сафрон ибни Умайя кенгashi билан Расулуллоҳни ўлдиришилик учун Мадинага келган эди. Бунинг ёмон ният билан келганини сезиб қолган Умар дарҳол икки қўлидан маҳкам тутиб, Расулуллоҳ ҳузурларига киритмасликка ҳаракат қилгандилар. Бу ишларнинг ҳаммаси Умарнинг не даражада Расулуллоҳга муҳаббатли эканликларини исбот этади. Бундан бошқа жуда кўп урушларда ҳазрати Умар Расулуллоҳ ҳамда Ислом ҳимоясида жонбозлик кўрсатганларки, буларнинг ҳар бири зикр этилаверилса, алоҳида китоб керак бўлади.

Ҳазрати Умар фавқулодда тўғри фикрли ва тўғри сўзли киши эдилар. Бир неча масалалар, жумладан, Уммул мўъминларни ҳижоб остига олов, ҳамда арақни ҳаром этувларда Қуръону Карим Умарнинг раъйиларига мувофиқ нозил бўлганди. Шунинг учун Расулуллоҳ алайҳиссалом Умар ҳақларида «Оллоҳ таоло тўғриликни Умарнинг тилига ва қалбига солди», дегандилар. Расулуллоҳ ҳазратлари Умар розияллоҳу анҳу Исломиятга қилган хизматларини жуда қадрлар эдилар. Жаноб рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам кўп вақтларда: «Мен, Абу Бакр ва Умар кирдик, мен, Абу Бакр ва Умар чиқдик», дея бу икки улуғнинг номларини ўзлари билан қўшиб сўзлар эдилар. Ҳамда ўзларидан кейин бу икки зотни ўзларига намуна этарга ва уларга эргашишиликка асхобни ундар эдилар.



Умар ибни Ҳаттоб Расулуллоҳ билан биргаликда бутун ғазотларда иштирок этгандилар. Баъзи бир қўшинларга Расулуллоҳ Умарни лашкарбоши қилиб юборганлар. «Зотис салосил» сериясида Амр ибни Ос қўл осталарида, Расулуллоҳнинг охирги касалликлари пайтида эса Усома ибни Зайд қўл осталарида оддий аскар сифатида ҳам жангларда иштирок этгандилар. Ҳазрати Умар қайси бир сифатда — хоҳ қўмондон, хоҳ оддий аскар сифатида қатнашган бўлмасин, ҳар қандай ҳолатда ҳам кўзлаган мақсадлари бир — Ислом калимасининг ер юзида олий бўлмоғи эди. Бутун фикр-зикрлари, ўй-хаёллари душманни яксон этишлик бўлганди. У жанобнинг мақсадлари тугал эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЙОТЛАР:

1. «Ашараи мубашшара» китоби
2. Сийрат.uz
3. Азон китоблари нашрийоти
4. «Мухторот мин ал-амсали вал қисаси»
(араб тили дарслиги)
5. Навоий гулдастаси
6. «uchdan keyin kech»